



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 125 (12.436)

Баҳоси эркин нарҳда

22
O'ZBEKISTON

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Танловлар

ЯҒОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

Танловда жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент Ахборот технологиялари ва Ислом университети, Ирригация ва мелiorация, Тошкент Давлат юридик, Тўқимачилик ва енгил саноати институтларининг иқтидорли талабалари иштирок этди.

— Ушбу кўрик-танлов нафақат энг иқтидорли талабани, балки она Ватани тараннум этган энг дилбар қўшиқни ҳам аниқлаш имконини беради, — дейди Тошкент Темир йўл муҳандислари институти проректори Ботир Зокиров. — Танлов Президентимизнинг 2009 йил апрелдаги «Яғонасан, муқаддас Ватан!» Республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги Қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда талабаларнинг Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, матни таъсирчан, баддий етук қўшиқлар яратишга ва қуйлашга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида ташкил этилмоқда. Ватан фарзандлар камолидан шон-шавак ва қудрат топади. Бугунги кунда санъат, илм-фан ва спорт оламида ўз салоҳияти ва юксак ижрочилик маҳоратини намойиш этиб, халқимиз довруғини дунёга таратаётган ёшларимиз жуда кўп. Ушбу танлов талабалар орасидан энг иқтидорли овоз соҳибларини кашф қилишга қол-

Олий таълим муассасалари ўртасида ўтказиб келинаётган «Яғонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг иккинчи босқичи Тошкент Темир йўл муҳандислари институтида бўлиб ўтди.

май, Ватан мадҳи, юрт истиқболи, диёримиз равнақи ва гўзаллиги оҳанрабо оҳангларда ижро қилинадиган дилбар қўшиқлар яратилишига ҳам омил бўлади. Шунингдек, талабаларимизнинг иқтидор ва қобилиятларини ривожлантириш, ўз маҳоратларини кўрсатишлари учун аjoyиб бир имкониятдир. Зеро, куй ва қўшиқ инсонларни эзгуликка, яхшиликка, изланиш ва интилишга чорлайдиган гўзал маъводир. Умид қиламизки ёшларимиз орасидан касбларидан қатъи назар энг истеъдодлилар кашф қилинади ва улар юртимиз шайини ўзларининг дилрабо қўшиқларида тараннум этадилар.

Дарҳақиқат, кўрик-танлов қатнашчилари она юртимизни, гўзал диёримизни ва мустақиллигини тараннум этган куй ва қўшиқларни маҳорат билан қуйлаб ўз иқтидорларини намойиш қилдилар.

Иштирокчиларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан ижро дастурлари, танланган мавзунинг моҳирона тарзда қуйланиши, сахна лавослари, маданияти ва ижро маҳора-

тига қараб 10 балли мезонда баҳо-ланиб борди.

— Хар бир иштирокчи талаба ўзига хос чиқишлари билан танловнинг қизиқарли ва мазмундор бўлишини таъминлаб берди, — дейди танловнинг ҳакамлар ҳайъати раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Абдуллаев. — Умид қиламизки, танлов ғолиблари келажакда бунданда улкан ютуқларни қўлга киришиб халқ ардоғидаги инсонлар бўлиб етишадилар.

Танловда биринчи ўринни Тошкент Темир йўл муҳандислари институти биринчи курс магистранти Жавлонбек Файзуллаев, иккинчи ўринни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Сабина Салимова, учинчи ўринни эса Тошкент Давлат аграр университети талабаси Хусан Раҳмонкулов қўлга киришиб, фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Гулчехра ДҲРДИЕВА
СУРАТДА: танловдан лавҳа
Ислом Исмоилов олган сурат

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси тадбиркорлари иштирокида бизнес-форум ҳамда кооперация биржаси бўлиб ўтди.

ТАДБИРКОРЛАР БИЗНЕС ФОРУМИ

Тадбирларда Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг қурилиш, машинасозлик, фармацевтика, тўқимачилик саноати, сайёҳлик ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлари савдо-иқтисодий ҳамда инвестицион ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан музокаралар ўтказиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхон мамлакатларимиз ўртасида турли йўналишлар, жумладан, савдо-иқтисодиёт соҳасида ўзаро манфаатли муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг учрашувлари давомида эришилган келишувлар эса бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Айни пайтда мамлакатларимиз ўртасида имкон қадар қулайликлар яратиш режимида амал қилинмоқда, икки томонлама ҳусусиятга эга икки юздан зиёд ҳужжат имзоланган. Жанубий Корея савдо-иқтисодиёт соҳасида Ўзбекистоннинг йирик шерикларидан бири ҳисобланади. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2012 йилда 2,13 миллиард доллардан ошди ва бу 2011 йилги кўрсаткичга нисбатан 31,4 фоизга кўпдир. Ўзбекистонда Корея капитали иштирокида ташкил қилинган тўрт юздан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси икки давлат ҳамкорлиги жадал ривожланиб бораётганидан далolat беради.

Биз Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан самарали ҳамкорлик қилмоқдамиз, — дейди Корея Республикасининг Пусан шаҳри Савдо-саноат палатаси ижрочи директори Ил Жей Ли. — Мамлакатимиз бизнес доиралари вакилларининг бу галги ташрифидан кўзланган мақсад турли йўналишларда ўзбекистонлик шерикларимиз билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдир. Хусусан, бизни технологик саноатни ривожлантириш, экспорт-импорт салоҳияти, товар айирбошлашнинг янги, янада қулай йўллари йўғаниш масалалари қизиқтирмоқда.

Тадбирлар давомида корейлик бизнесменларга мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган имкониятлар ҳақида батафсил ахборот берилди.

С.ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

XXI саҳоси
Барча
маишлардан
олинган сўнги
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жиззах санъат коллежида Аскарлар оналарини шарафлаймиз мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирга Ўзбекистон Куролли Кучлари сафида хизмат бурчини ўтаётган аскарларнинг оналари таклиф этилди.

• «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган «Полиэтилен қувурлар» шўъба корхонаси сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Мазкур корхона томонидан жорий йилнинг беш ойи мобайнида маҳаллий истеъмолчиларга икки миллиард сўмликдан ортиқ турли ҳажмдаги сув қувурлари етказиб берилди. Эндиликда маҳсулотларни ташқи бозорга экспорт қилиш бўйича ҳам муайян ишлар олиб борилаётир.

• Жарқўргон туманидаги «Хумо» хусусий корхонасида кунига уч тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга янги технологик линиянинг ишга туширилиши билан бу ерда ўнга яқин иш ўринлари яратилди. Ҳозирда илғор ускуналар билан жиҳозланган цехда табиий сутдан саккиз турдаги хуштаъм маҳсулотлар тайёрланмоқда.

• Наманганда вилоят ҳокимлиги ва прокуратураси ташаббуси билан 9-синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва эрта никоҳнинг олдини олиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Термиз шаҳрида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Анжуман давомида вилоятда бизнес учун янада қулай муҳит ва имконият яратиш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, тадбиркорларга тезкор хизмат кўрсатиш ва янги интерфаол хизматларни жорий этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

ЖАҲОНДА

• Норвегия аёллари келгусида тинч вақтда мажбурий ҳарбий хизматни ўташ учун чақирилади. Ҳукуматнинг ушбу ташаббусини парламентдаги деярли барча фракциялар қўллаб-қувватлаган. Мамлакат мудофаа вазирлиги янги чақирувни 2015 йилдан кучга киритишни режалаштирмоқда. Шу тариқа Норвегия тинч вақтда аёлларни армияга қарадиган Европадаги ilk давлат бўлди.

• Кучли ёмғир ёғиши натижасида Жанубий Африка Республикасидаги олтин конларнинг бирида фалокат рўй бериб, 40 га яқин киши ҳалок бўлган. Ҳозирча ер остида қанча одам қолиб кетганини аниқлашнинг иложи йўқлиги боис қурбонлар сони ортиши мумкин. Ушбу ҳалокат туфайли мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинган.

• АҚШ миллий фанлар академияси маълумотларига кўра, кейинги юз йилда ер юзида ҳарорат Цельсий бўйича 0,78 даражага кўтарилган. Дунё микёсида асосан органик ёнилғилар — кўмир, нефть ва газдан фойдаланиш глобал иқлим ўзгаришларини келтириб чиқармоқда. Агар экотизимда аввалги ҳолатга қайтариш чоралари дунё микёсида кўрилмаса, 2100 йилга бориб, Ер шари ҳарорати тахминан 3,89 даражага кўтарилиши мумкин. Бу эса ўсимликлар дунёсининг 50 фоиз тури, жонотларнинг эса 38 фоиз турининг деярли 50 фоизга камайиб кетишига олиб келиши мумкин.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

ЖУРНАЛИСТЛАР ТАЙЁРЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида журналист кадрлар тайёрлаш истиқболларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда журналистлар, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Миллий университети проректори Б.Хусанов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимизга тўла етказиш, юртдошларимизнинг тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда

оммавий ахборот воситаларининг роли бекиёс эканини таъкидлади.

Шиддат билан ўзгариб бораётган замон, кундан-кун янгиланаётган технологиялар журналистлардан янада фаол, юксак билим ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлишни талаб этмоқда. Бундай талабларга тўла жавоб берадиган хар томонлама етук, мустақил дунёқарашга эга, қалами ўткир мутахассисларни тайёрлаш устувор вазифалардандир.

Ўзбекистон Миллий университетида бу борадаги вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қара-

тилмоқда. Университетнинг журналистика факультети ва олий журналистика курсида хар йили бир юз эллик нафардан кўпроқ соҳа мутахассислари тайёрланмоқда. Талабаларнинг назарий билим олиши ва амалиёти узвий олиб борилаётир. Бу борада мамлакатимиздаги етакчи тахририятлар, теле ва радиоканаллар, ахборот агентликлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Давра суҳбатда журналист кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, журналистик таълимга ихтисослашган олий ўқув юр்தларининг ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг матбуот марказида 27 июнь — Матбуот ва ом-

мавий ахборот воситалари куни муносабати билан «Қонунчилик фаолиятини жамоатчиликка етказишда журналист маҳорати» мавзусида «Парламент журналистлари клуби»нинг навбатдаги йиғилиши ташкил этилди.

✓ **БУГУН** пойтахтимизда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси тизими корхоналарида маҳсулот экспорти қўламининг ортиб бориши» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Шайхонтохур туманидаги Эски Жўва бозорида «Ободлик кўнгилдан бошланади» деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш миллий тизимини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда тегишли шарт-шароитлар, жумладан, интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва баҳолаш бўйича зарур механизмларнинг мавжудлиги илм-фан, маданият ва техникани жадал ривожлантиришнинг узвий қисмидир. Айни пайтда Ўзбекистонда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш соҳаси «Ихтиролар, фойдаланиш модели» ва саноат намуналари тўғрисида», «ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида», «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»-ги қонунлар ва бошқа қўллаб-қувватловчи ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 2011 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ташкил этилиши интеллектуал мулк объектларига эгаллик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директори вазифасини бажарувчи З.Ғиёсов

агентлик томонидан меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олиш, контарафакт махсусотлар айланишига қарши кураш ва фаолиятни кенгайтиришга доир изчил ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Масалан, агентлик ташкил этилганидан буён ихтиро, фойдаланиш модел-

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

лар, саноат намуналари, товар белгилари, ЭХМ ва маълумотлар базаси учун дастурлар, селекция ютуқлари, товар келиб чиққан жой номи каби интеллектуал мулк объектлари учун 15,5 мингга ариза келиб тушди. Давлат интеллектуал мулк реестрларида айни пайтда агентлик томонидан 5,4 мингдан зиёд интеллектуал мулк объекти рўйхатга олинди.

Мамлакатимиз ҳудудидан интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олишга

катта эътибор қаратилмоқда. Давлат органлари билан биргаликда ўтказилаётган рейдлар давомида шу йилнинг биринчи чорагида жойларда 150 ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Интернетдаги 134 сайтда муаллифлик ва бошқа ҳуқуқлар эгалари асарларидан ноқонуний фойдаланганлик аниқланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига 13,7 мингдан ортиқ аудиовизуал махсусот, фонограммалар, ЭХМ учун 29 дастур тўғрисида эксперт хулосалари тақдим этилди. Натижада қиймати 213 миллион сўмдан зиёд лазер дисклар йўқ қилинди.

Кенг жамоатчиликни интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида хабардор қилиш мақсадида агентликнинг «Расмий ахборотнома» расмий бюллетени, йиллик ҳисоботлари, ахборот, услубий ва маълумотнома материаллари, «Интеллект-инфо» илмий-амалий журнали чоп этилмоқда. Жойларда тушунтириш ишлари, семинарлар, давра суҳбатлари, маърузалар, ташкилот ва корхоналар ходимлари, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари, ўқувчи ёшлар иштирокида амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, агентлик ҳузурида соҳа кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув маркази фаолият кўрсатмоқда. «Intellect Expert» давлат ўнитар корхонаси эса интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича маслаҳатлар беради ва амалий хизматлар кўрсатади.

(ЎЗА)

Инсоннинг, айниқса ўсиб келаётган болаларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини таъминловчи қўллаб-қувватловчи мавжуд. Истеъмоқ қилинадиган озиқ-овқат таркибидagi микроэлементлар, фойдали моддалар ана шундай муҳим ҳаётий аҳамиятга эга омиллардандир. Агар инсон организмида ушбу фойдали моддалардан бирортаси етишмаса, бу саломатликка жиддий зиён етказиши мумкин. Бундай муаммоларнинг олдини олишда саплементация тадбирларининг аҳамияти беқиёс.

Соғлом она — соғлом бола

САЛОМАТЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда ўн йилдан буён олти ойликдан беш ёшгача бўлган болалар ўртасида узлуксиз равишда А витамини саплементацияси тадбирлари ўтказилмоқда. Жорий йил 24-29 июнь кунлари болалар саломатлиги ҳафталиги доирасида ушбу тадбирнинг биринчи босқичи ўтказилмоқда.

Ушбу ҳафталик пойтахтимизда ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилаётди. Оилавий поликлиникалар ва мактабгача тарбия муассасаларида саплементация тадбирларини ўтказиш бўйича махсус пунктлар ташкил этилди. Ушбу соҳада иш олиб борадиган врач ва ҳамширалар иштирокида ўқув-семинарлар уюштирилди.

— Ушбу ҳафталикнинг «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ўтказилаётгани унинг кўлами ва қамровини янада кенгайтирди, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 46-оилавий поликлиника бош шифокори Дилфуза Иброҳимова. — Тиббиёт масканимизда бу тадбирларни амалга ошириш учун иккита пункт ташкил этдик. Шунингдек, ҳудудимиздаги мактабгача тарбия муассасаларида ҳам бешта пункт фаолиятини йўлга қўйилди. Махсус тайёргарликдан ўтган врач, ҳамшира ва рўйхатга олиш ишларини юротиладиган мутахассислардан иборат етти таълим гуруҳи шакллантирилди. Ҳудудимиздан қарий икки минг нафар бола ушбу ҳафталикка жалб этилди.

А витамини саплементацияси тадбирининг мазмун-моҳияти аҳоли, ота-оналар ўртасида кенг тарғиб этилмоқда. Махаллалар, мактабгача тарбия муассасалари, оилавий поликлиникаларга тарғибот материаллари илиб қўйилди. Аҳоли ўртасида бу йўналишда иш олиб боришда шифокорларга махалла фаоллари ва хотин-қизлар кўмиталари раислари яқиндан кўмак бермоқда.

Айтиш жоизки, А витамини болалар иммунитетини шакллантирадиган, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлайдиган муҳим микроэlement-риент ҳисобланади. А витамини ёнда эрувчи модда бўлиб, жигар орқали керакли микдорда қонга ўтади ва организм, жумладан кўз ҳужайраларига етиб боради. Витаминнинг жигардаги концентрацияси унинг организмдаги захираларини баҳоловчи индикатор ҳисобланади.

А витаминининг болалар учун энг яхши табиий манбаи кўкрак сутидир. Шу бос, болани она сuti билан боқилиш тартиб этиш орқали мазкур микроэlement танқислигига қарши курашиш мумкин.

Бу витаминни табиий йўл билан қабул қилишнинг иккинчи шакли — бир қатор озиқ-овқат манбалари. Инсон тўғри ва раціонал овқатланиш тамойилларига, соғлом турмуш тарзига риоя этиши микроэlement етишмаслиги тўғрисида келиб чиқадиган муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказилаётган саплементация тадбирлари бу борадаги муаммо-

ларнинг олдини олиш ва болалар саломатлигини муҳофазалашнинг яна бир муҳим омилдир.

Витамин А капсуласи ҳафталикка жалб этилган ҳар бир болага бепул ичирилади. ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти орқали олиб келинган бу тиббий препаратнинг сифати Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан чуқур ўрганилган. Ушбу тиббий препарат жойларга совуқлик занжири тизими асосида етказилди ва бирламчи тиббий профилактика масканларида махсус шартларда сақланиб, болаларга ичирилди.

Бу тадбирлар мамлакатимизда изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган «Соғлом она — соғлом бола» дастурининг узвий қисми бўлиб, навқирон авлод қамолотини таъминлашнинг муҳим мезони бўлмоқда.

Бундай ислохотларнинг натижалари оналар ва болалар ўлими кескин камайгани, мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи йилдан йилга ошиб бораётгани мисолида аққол намоеъ бўлаётди.

Бир қатор халқаро институтларнинг баҳосига кўра, аёлларга қулай шaroит яратиш ва оналикни ҳимоя қилиш бўйича мамлакатимиз жаҳоннинг 125 давлати орасида етакчи ўринни эгаллади. Ушбу мақом Марказий Осиёда энг яхши, МДХ ва Осиёда юқори кўрсаткич ҳисобланади.

ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича ҳудудий бюроси томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги дастурлари минтақавий модел сифатида тан олинди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу жаҳадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим асос бўлмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги каби пойтахтимизда ҳам фертил ёшдаги аёллар, болалар ва ўсимирлар ҳар ойнинг биринчи ҳафтаида чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтмоқда. Тиббий қўриқларга оила шифокорлари, тор мутахассислар кенг жалб этилиб, ЭКГ, УЗД каби замонавий тиббий диагностика асбоб-ускуналаридан самарали фойдаланилмоқда.

Тиббий қўриқ жараёнида касаллик аниқланганлар дарҳол диспансер назоратига олиниб, соғломлаштириш режаси тузилади. Амбулатор ва стационар шaroитда даволаш муолажалари олиб борилади.


Бундай кенг қамровли тадбирлар тўғрисида болалар ўртасида шомоллаш, ичак касалликлари, вазн камлиги, ўсим, ривожланишдан ортада қолиш ҳолатлари кескин камаймоқда. Фарзандларимиз соғлом ва бақувват бўлиб қамолга етаётгани, ёшларимизнинг таълим, спорт соҳасида эришяётган катта ютуқлари ана шундай тадбирларнинг муҳим натижасидир.

Мохноур РАВШАНОВА



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ТАЖРИБА ОШИРДИ

Ички ишлар вазирлиги академиясининг ўқув-дала майдонида еттинчи босқич ўқув-йиғинини тамомлаган профилактика инспекторларига сертификатлар топшириш маросини бўлиб ўтди.



Унда иштирок этганлар ички ишлар профилактика хизмати тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, милиция таянч пунктлари ва у ерда фаолият олиб бораётган профилактика инспекторларига кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик ҳусусида сўз юритишди.

Мамлакатимизда барқарор тинчлик ва осойишталикнинг ҳукм суриши, фуқаролар ўртасидаги ва миллатлараро тотувлиқни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда, жамият фаровонлигини сақлашда ички ишлар идоралари ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш хизмати милиция таянч пункти профилактика инспекторларининг ўрни беқиёсдир.

Республикадаги фаолият юритаётган профилактика инспекторларининг малака тажрибасини, касбий-ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий билимларини, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш мақсадида ташкил этилган ўқув-йиғинида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида иш олиб бораётган 600 нафар профилактика инспектори қатнашди.

— Бугунги кунда профилактика инспекторларининг замонавий тажрибага, турли билимларга

эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди ИИБ ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш бош бошқармаси инспектори, капитан Олимжон Рихсиев. — Жумладан, Ички ишлар вазирлигининг фармойишига асосан барча профилактика инспекторлари босқичма-босқич ўқитилмоқда. Мазкур ўқиш жараёнида инспекторларнинг маҳаллаларда кенг жамоатчилик вакиллари билан қандай ишлаш кераклиги ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашувчи субъектлар билан ҳамкорлик қилиш усуллари ва тактикаси оид малакалари шакллантирилди. Бундан ташқари ташкилий-таълимий ва назорат фаолиятини амалга ошириш механизми вазирлиқнинг малакали ходимлари ва профессор-ўқитувчилари томонидан ёритиб берилди. Ўйланмани, бу ерда тўплаган билим ва тажриба профилактика инспекторларига ҳудудларда тинчлик ва осойишталикни сақлашда асосатда.

Ўқув йиғини якунида синовлардан аъло баҳога ўтган бир қатор профилактика инспекторларига сертификатлар билан бирга Ички ишлар вазирлигининг фахрий ёрликлари топширилди.

— Биз бир ой мобайнида вазирлик академиясининг барча қулайликларга эга бўлган дала майдонида белгиланган дастур асосида ўқув-йиғинида иштирок этдик, — дейди сертификат ва фахрий ёрликка эга бўлган хизматчи катта лейтенант Шўҳрат Худайкулов. — Ўтган давр мобайнида тажрибали амалиёт ходимлари ва академиянинг профессор-ўқитувчилари замонавий педагогик технологиялар асосида машғулотлар олиб борди. Бунда биз касбий, жанговар ва жисмоний тайёргарлигимизни мустаҳкамладик. Эндilikда эгаллаган билим ва қўнимамизни амалий фаолиятимизда оқилона қўллаб, зимамизга юклатилган вазифаларни адо этишимиз.

Абдуалли САЛИМОВ
Ислам Исмоилов олган суратлар

УНИВЕРСИТЕТДА АМАЛИЙ СЕМИНАР

Тошкент Ахборот технологиялари университетида «Ижро интизомини назорат қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш» мавзусида амалий семинар ташкил этилди.

Семинар ижро интизомини назорат қилишда замонавий ахборот коммуникация технологияларининг ўрни, республикада яратилган дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда ижро интизомини назорат қилишга бағишланди ва видеоселектор асосида олиб борилди. Унда республикаимизнинг барча ҳудудларидан проф-

фессор-ўқитувчилар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди.

Семинар давомида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси вакиллари талаба-ёшларнинг саволларига атрофлича жавоб беришди.

Ҳамид УСМОНОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Анжуманлар

ИДОРАВИЙ ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Шаҳримизда «Адлия вазирлигининг идоравий қонун ижодкорлиги фаолияти» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда идоравий қонун ижодкорлиги соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида журналистларга атрофлича маълумот берилди.

Идоравий меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш вақолатига эга бўлган субъектлар доираси ниҳоятда кенг ва хилма-хилдир ҳамда идоравий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари нормаларини бевосита қўллаш билан боғлиқ қоидаларни ўзида намоеъ этади. Шу сабабли, улардаги нормаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, мамлакатда ўтказилаётган ислохотларнинг мақсадлари ва вазифаларига, шунингдек, қонунчилик техникасига мувофиқлигини текшириш, вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда идораларнинг мазкур ҳужжатларни қабул қилиш, эълон қилиш, манфаатдор шахслар эътиборига етказишнинг белгиланган тартибини бажариш бўйича ишларини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштиришни талаб этади. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган вазифалардир.

Айтиш жоизки, ҳукумат қарори асосида Адлия вазирлигига вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш, уни қўллаш бўйича ишнинг назорат қилиш, тегишли идораларга ўн кун муддатда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш ёки давлат рўйхатидан ўтмаган ҳужжатларни бекор қилиш, шунингдек, айбдор мансабдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш ҳуқуқи берилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомида Адлия вазирлигининг идоравий қонун ижодкорлиги соҳасидаги асосий вазифалари янада такомиллаштирилди.

Анжуман давомида соҳа вакиллари янги таҳрирда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги масъулиятини оширишда муҳим аҳамият касб этиши ҳусусида афрофлича сўз юритдилар. Хусусан, мазкур Қонунда мансабдор шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга қиритганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланганлиги қайд этилди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, айрим вазирлик ва идораларнинг идоравий қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятида учраётган хато ва камчиликлар идоравий меъёрий ҳужжатлар қонун ҳужжатларига зид ёки уларда белгиланганидан бошқача қоидаларни ўз ичига олмаслиги лозимлиги белгиланган бўлса-да, айрим вазирлик ва идоралар фаолиятида бу қоидага ўз вақтида амал қилинмаяпти. Адлия вазирлигига тақдим этилган баъзи лойиҳаларда қонун ҳужжатлари нормаларига зид қоидаларнинг мавжудлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш қоидаларига амал қилинмаслиги натижасида бундай ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилмоқда. Бу каби камчиликларнинг олдини олишда вазирлик ва идораларда юридик хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Тадбир сўнггида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллашда субъективлигининг олдини олиш, қонунчилик техникаси, ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш услуби, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби ҳақидаги журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Фан

МИКРОБИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

Маълумки, тупроқ унумдорлигининг яхши бўлиши ҳамда улардан юқори ва сифатли ҳосил олиш тупроқнинг агрокимёвий, агрофизикавий, биологик ва биокимёвий хоссаларига боғлиқ. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти олимларининг шўрланган ерларнинг унумдорлигини ошириш йўлида олиб борган изланишлари юқоридаги муаммоларни ҳал этиш имконини берди.

Изланиш давомида 3 та янги нефть парчаловчи бактерия штаммларини ажратиш механизмлари ишлаб чиқилди. Бу эса сугориладиган тупроқларни биологик тозалаш асосларини яратиш имконини берди. Бактерия штаммлари Микробиология институтидан олиб чиқилди ва давлат патентини олиш ишлари ниҳоясига етказилди.

Ёш олимлар тадқиқотлари ҳам ўз илмий ечимини топди. Учта давлат ва битта халқаро грант лойиҳаларида иштирок этилди. Олиб борилган изланишлар натижасида республикамиз тупроқларининг нефть, оғир металллар, радиоактив моддалар ва саноат чиқиндилари билан ифлосланишига тегишли экологик муаммо ечимини асосида ўқув қўлланмаси яратилди.

Ботир АЛИЕВ



N 2(16) Тошкент шаҳар табиятнинг муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

Инсон доимо табият қўйнида фаолият кўрсатади, табият билан узлуқсиз муносабатда бўлади. Табиатимиз бой, лекин бу бойликларни асраш, ундан оқилона фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир. Инсон юритаётган ҳўжалик фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири доираси ичида энг асосийси тоза сув муаммосидир.

Сув инсониятга табият томонидан берилган ҳаёт манбаи, бебаҳо бойлиги, неъмат ва инъомидир. Сувнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайд, у жонли ва жонсиз табиятнинг бирлаштирувчи муҳим бўғиндир. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Марказий Осиёда сувдан фойдаланишнинг мураккаблашганининг асосий сабаби табиий иқлим шароитининг тўғри келмаслиги, аҳоли сонининг йилдан йилга тез ўсиши ва сувнинг ҳўжасизларча ишлатилишидир.

Тошкент шаҳрининг асосий сув манбалари Чирчиқ дарёсидан ажратилиб чиққан Бўзсув канали ҳисобланади. Бўзсув, Қорасув, Салор, Анхор, Қайқовуслардан чиқадиган 73та биринчи, иккинчи даражали кичик сув тармоқлари шаҳримизни тўлиқ сув билан таъминлайди. Шаҳримизнинг ҳамма каналлари қирғоқларида 7-10 метр масофада қирқобўйи минтақалари белгиланган.

Чирчиқ дарёси Чотқол ва Пском топ дарёларининг қўшилишидан, шунингдек, Угам ва Оқсоқота дарёлари ирмоғи қўшилишидан ҳосил бўлади.

Чирчиқ дарёсининг умумий узунлиги 174 кмни ташкил этади, Тошкент вилоятидан эса Чорвоқ ГЭСдан пастроқдан оқиб ўтади. Тошкент шаҳридан дарё 16,68 км масофада оқиб ўтади. Чирчиқ дарёсининг сув олиши манбаи қор, музликларнинг эришидан ҳосил бўлган сувлар бўлиб, сувнинг сарфи мавсумий, ёғингарчиликларга боғлиқдир. Қишқи мавсумда (октябрь-февраль) сувнинг сарфи бир меъёрда, ёғингарчилик мавсуми эса мартда бошланиб сентябрь ойида тугайди.

Тошкент шаҳрининг асосий каналлари узунлиги 150 километрни ташкил этади ва уларнинг 70 фоизига темир-бетон плиткалар ва лотоклар ўрнатилган. Пойтахтимиздаги дам олиш масканлари бўлимиш Ҳўбекнинг Миллий боғи, Тошкент-ленд, F.F.уми номидаги маданият ва истироҳат боғи, Роҳат, Бахт, Янги Сергели, Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғларида сув ҳавзалари ва қўлар ташкил этилган. Уларнинг умумий майдони 83 гектарни ташкил этади.

Шаҳар ҳудудида 2000 га яқин ер ости қудуқлари бўлиб улар 367 та қорхона тасарруфида туради.

Тошкент шаҳар табиятни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан

Ўтган асрнинг бошларида академик В.Вернадский томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, ўша даврда инсон томонидан ер қаъридан қазиб олинган энергетик бойликлар ва хом ашёдан, истеъмолга тайёр маҳсулот шаклида 6 фоизи етиб бориб, қолган қисми технологик тизимнинг турли босқичларида чиқитга чиқиб кетган. Бир килограмм маҳсулот тайёрлашда 25 килограмм чиқит ҳам «тайёр» бўлиб турган. XXI асрда эса бу муаммо умумсаяёравий экологик-ижтимоий инқирозга айланди.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра,ҳозирги даврда ҳар бир инсоннинг озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой эҳтиёжларини таъминлаш учун йил давомида 20 тонна турли хом ашё сарфланиб, фақат 5-10 фоизи яқиний тайёр маҳсулотга айланмоқда ва 90-95 фоизи чиқитга кетмоқда Булардан ташқари, тайёр истеъмолдан чиқиб, чиқиндиларга айланмоқда.

Масаланинг ўта долзарблиги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш масалаларига бағишлаб 1992 йил июнь ойида Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг конференциясида Бутунжаҳон ҳаракат дастури сифатида қабул қилинган «XXI аср кун тартиби»да ҳам атрофчи баён қилинди. «Ифлослантирувчи-тўлайди» принципларидан келиб чиққан ҳолда Миллий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурларига хавфли саноат чиқиндилари миқдорини камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг киритилиши, чиқиндиларни ҳосил қилувчи томонидан маиший қаттиқ чиқиндиларни жойлаштирилганлик ва оқова сувларни ташлаганлик учун тўловларнинг, экологик хавфсиз равишда жойлаштириш сарф-харажатларининг тўлиқ қопланиши, радиоактив материалларидан фойдаланиш натижасида ҳосил бўлаётган радиоактив чиқиндилар миқдорларини минимал даражагача камайтириш ва хавфсиз, экологик асосланган ҳолда ташилиши, жойлаштирилиши ва йўқ қилинишини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. «XXI аср кун тартиби»да инсонларнинг турмуш тарзини, истеъмол бозори тузилмасини ва ишлаб чиқариш усулларини тақомиллаштириш орқали чиқиндиларга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, уларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик — чиқинди билан боғлиқ муаммолар ечимини топишнинг энг самарали усули сифатида эътироф этилди.

Атроф-муҳитнинг хавфли саноат чиқиндилари,қаттиқ маиший чиқиндилар ҳамда оқова сувлар билан ифлосланиши дунё аҳолисининг ўсишига нисбатан афсуски,

дан 5та асосий магистрал каналлардан 27та нукта бўйича 47та ингридиент бўйича назорат олиб борилади.

Шунингдек, Тошкент шаҳар табиятни муҳофаза қилиш қўмитаси Бўзсув каналида доимий кузатувни 6 та нукта бўйича олиб боради. Чирчиқ дарёси сифати эса 2 та нукта бўйича назорат қилинади. Чирчиқ дарёсига «Нерудник» АЖ, Бектемир тозалаш иншооти, «Земик» АЖ оқавалари ташланади. Кузатувлар аввалги йилларга нисбатан азот аммонийси бўйича 15 баробар, азот нитрити бўйича ифлосланишлар 1.7 баробар камайганлигини, шунингдек сезилмас даражада мис 1.4, цинк 1.4 баробар, нефть маҳсулотлари бўйича 1.3 баробар ошганлигини кўрсатади.

Шаҳарда ер ости сувлари ифлосланиш даражасини мониторинг қилиш учун кенг тармоқли кузатув қудуқлари мавжуд. Уларга «Ўзбектидрогелогия» ДТП ва Тошкент тадқиқот институти хизмат кўрсатади. Уларнинг балансида 172та қудуқлари бор.

Охириги вақтларда шаҳар сув ҳавзаларида уларни сақлаш, соғломлаштириш бўйича анчагина ишлар қилинди. 1991 йилдан бери очик сув ҳавзаларига ташланаётган 43та манбадан 25,2 млн м.куб йил ҳажмида сув иқтисод қилинди. «Узкабель», «Тошўқимаш» АЖ, 18-автосарой АЖ, «Тошқиллоқмаш» ва бошқа қорхоналарда очик сув ҳавзаларига ташланаётган ташламалар йўқ қилинди. Бир нечта ўнлаб сув айланма тизимлари учун локал тозалаш иншоотлари қурилди. Бу ҳолатлар сув ҳавзаларида сув ифлосланишининг камайишига олиб келади.

Бундан ташқари Чирчиқ дарёсини соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар татбиқ этилмоқда, асосий магистрал каналларни ободонлаштириш бўйича комплекс сҳемаларнинг ишлаб чиқилиши яқунланмоқда, ер ости сувларини чуқур ўрганиш, оқова сувларни тозалашда юқори технологик системаларни ишлаб чиқаришда қўллаш давом этмоқда.

Дилдора СУЛТОНОВА,
Тошкент шаҳар табиятни муҳофаза қилиш қўмитасининг катта давлат нозирини, бош мутахассис

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Глобал экологик жамғармасининг Кичик лойиҳалари дастури, Марказий Осиё минтақавий экологик Марказининг ваколатхонаси томонидан «ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди, «Чинор» Экологик ноширлик компанияси билан ҳамкорликда, Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишлаб, мамлакатимизда ўтказилган аънанавий «Экохафталик», бу гал, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 25 йиллигига бағишланди. Мазкур кенг қамровли экологик акцияда вазирликлар, қўмиталар, ННТ, ОАВ ҳамда Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

ТАБИАТНИ СЕВИШГА ДАЪВАТ ҲАРАКАТИ

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган яқуний анжуманда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Наримон Умаров ва ПРООНнинг Ўзбекистондаги доимий вакили ўринбосари Яко Силлиерс Экохафталик дастури доирасида ўтказилган тадбирлар савияси ва моҳиятига юқори баҳо бердилар, ўзбек халқининг табиятга муносабати, унинг тақдирига бефарқ эмаслиги, уни асраш учун куч-қувватини аямасликлари бўйича кўтаринки руҳ — ватанпарварлик тимсоли эканлиги намоён бўлганини алоҳида эътироф этдилар.


Тадбирда экологияга оид соҳалар мутахассислари мастер-класс машғулотлари уюштирилди, «Асфальтда расмлар» танлови ҳамда ҳафталикда эълон қилинган танловларнинг 150 нафар голиблари тақдирланди. БМТ, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси лойиҳаси ва «Ўзнефтегаз» бирлашмаси ҳамкорлигида жорий йилнинг май ойида Губкин

номидаги университетда «Ўзбекистоннинг нефть-газ секторини биохилма-хиллик принципларини татбиқ этиш» мавзуси бўйича «Нефть-газ соҳаси фаолиятининг биохилма-хилликка таъсирини камайтириш стратегияси ва режаси» номинациясидаги голиб талабалар таъсисчиларнинг диплом ва совғалари билан тақдирландилар.

Иштирокчилар эътиборига «Экохафталик-2013» видеохисоботи ҳавола қилинди.

Бундай тадбирлар Экохафталик мобайнида мамлакатимиз узра давом этди ва унда миллионлаб ҳамюртларимиз иштирок этиб, ўзларининг атроф-муҳит муаммоларига бефарқ эмасликлари намоён этдилар, кексаларнинг ёшларга учрашувлардан берган ўғитлари, ишонч билан айтиш мумкинки, катта дарс бўлди, демек, бундай ташкилий-тарбиявий ишлар камаймаслиги керак.

Миркарим МИРСОВУРОВ



Билиб қўйган яхши

ЎСИМЛИКЛАР — МИНГ ДАРДГА МАЛҲАМ

Табиат инсоннинг яхши бешиндир. Уни асраш эса инсониятнинг муқаддас бурчи. Табиатда бойликлар чексиз. Лекин бу улар туганмас дегани эмас Шу боис экологиянинг глобаллашуви инсоният орасида турли хил касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Кўплаб касалликларнинг давоси эса, она табиятдаги табиий ресурслардир.

Хўшманзара ва гўзал жойларга эга юртимиз ўзига хос ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига эга. Наъматак, мойчечак, отқулоқ, чойтут, қўқ бўтақўз каби доривор ўсимликлар шулар жумласидандир. Бу ўсимликларнинг ҳар бири халқ табобатида кенг қўлланилади. Улардан айримларининг дориворлик хўсусиятлари билан танишиб чиқамиз.

Мойчечак — мураккабгўлдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик бўлиб, гуллари оқ-сарик, саватча ҳосил қилади. Гули таркибиде эфир мойи, каротин борлиги тўғрйли тиббиётда кенг қўлланилади.

Далачой — чойтўдошларга мансуб ўсимликлар туркумига кириди. Кўп йиллик, баъзан бир йиллик бу ўтнинг гуллари сарик, равон ёки шода тўпгулларга ййигилган. Япониянинг суёқ суртмаси оловдан қуйганга фойдали бўлиб катта жароҳатларни бириктиради.

Гулхайри — гулхайридошлар оиласи вакили бўлиб, тиббиётда илдири қўлланилади. Майдаланган илдири нафас йўллари шамоллаганда фойдалидир.

Бўтақўз — мураккабгўлдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Пояси тик ўсувчи. Барглари бандли, патсимон бўлиб, ўсимлик гуллагунига қадар қуриб қолади. Қўқ рангдаги гуллари саватчага тўпланган. Тиббиётда гули ишлатилади. Гулининг дамлама-си юрак ва бўйрак фаолиятини яхшилайди.

Наъматак — раъногўлдошлар оиласига мансуб ўсимлик. Тиббиётда меваси ва уруғининг мойи ишлатилади. Меваси таркибидеги С,С,Р ва К витаминлари жигар касаллигига даво.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ҳозирги кунда кимёвий йўл билан тайёрланган дори-дармонлар жуда кўп бўлса-да, лекин таблеткаларнинг организмга салбий таъсири ҳам бўлиши сир эмас. Шу сабабли табиий дори-дармонлардан фойдаланишга ҳаракат қилсак фойдадан холи бўлмайди.

тириш учун янги ер майдонларининг ажратилиши, ҳосилдор ерларнинг камайишига олиб келмоқда. Ер майдонларини сақлаб қолш муаммоларини хал қилишининг ягона йўли — уларни қайта ишлаш эканлиги тан олинди.

Мамлакатимизда «Минг йиллик» ривожланиш Декларацияси мақсадларига эришиш, «Хавфли чиқиндиларни трансчегаравий олиб ўтилиши ва уларнинг йўқ қилинишини назорат қилиш тўғрисидаги Базель Конвенцияси» талаблари асосида чиқиндиларни бошқариш билан боғлиқ масалаларни хал этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бу масалаларни қонуний жиҳатдан тартибга солиш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди, «Ўзбекистон барқарор тоза ишонаб чиқаришни татбиқ этиш» лойиҳаси амалга оширилди. Ўзбекистонда БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги давлат сиёсатини ва ҳаракатлар самарадорлигини оширишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси» ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда республикаимиз ҳудудида 175та чиқиндиларлар мавжуд бўлиб, йилга жуда катта миқдорда саноат ва маиший чиқиндилар ҳосил бўлади. Натижада, ушбу чиқиндиҳонашлар ва чиқинди сақлаш омборхоналарида миллионлаб тонна чиқиндилар сақланаётганлигини ҳамда улар бугунги кунда 12 минг гектар майдонни эгаллаб турганини инобатга олсак, чиқиндиларни фойдали тарзда қайта ишлаш масалаларини хал этиш мамлакатимиз учун ҳам долзарб вазифалардан бири ҳисобланиши ойдинлашади.

Чиқиндиларни бошқариш билан боғлиқ масалаларни хал этишда шу соҳада фаолият юритаётган ишлаб чиқарувчиларга имтиёз бериш, тадбиркорлик фаолиятига қулай муҳит яратиш ва инвестицияларни жалб қилиши рағбатлантиришни қўзда тутувчи нормалар ҳам келгусида ҳаётга татбиқ этилиши лозим. Назаримизда кичик бизнес вакиллари ва хўсусий тадбиркорларни ҳам маиший, ҳам саноат чиқиндиларини ййигиш, утилизация қилиш ва қайта ишлашга жалб қилиш ҳам мазкур фаолиятни ривожлантиришда иқтисодий манфаатдорлиқни шакллантириш борасида энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

Тошкент шаҳар табиятни муҳофаза қилиш қўмитаси ахборот хизмати

Ёшлар — келажагимиз

БИЛИМЛАР БЕЛЛАШУВИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги музыка ва санъатта ихтисослаштирилган академик лицейда умумтаълим мактаблар ўқувчилари ўртасида билимлар беллашуви ўтказилди.

Ундан қўзланган асосий мақсад ўқувчиларнинг қобилияти ва иқтидорини қўйи синфлардан бошлаб излаш ва ривожлантириш, мактабларда соғлом рақобатни ташкил этиш, давлат таълим стандартларида белгиланган талабларнинг бажарилишини ўрганиш, умумтаълим мактаблари ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари фаолиятига ҳолисона баҳо бериш ва уларнинг рейтингини аниқлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2010-2011 ўқув йилидан бошлаб тизимда таълим сифатини оширишга қаратилган янгилик сифатида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг фанлар бўйича билим беллашувларини ташкил этишнинг тўрт босқичли (мактаб, туман, вилоят ва республика) механизми ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Билимлар беллашувларининг биринчи (мактаб) босқичи 2012 йилда декабрь-январь ойларида, иккинчи (туман) босқичи январь-февраль ойларида, учинчи (вилоят) босқичи март ойининг охириги ўн кунлигида ўтказилди.

— Мен география фанига қизиқаман, — дейди Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида жойлашган 2-сонли ихтисослаштирилган Давлат умумтаълим мактаби ўқувчиси Улуғбек Шамсиев. — Мактаблар, туманлар ва вилоятлараро беллашувларда фахрли ўринларни қўлга киритиб республика босқичига йўлланма олдим. Мен ушбу хал қилувчи босқичда ҳам совринли ўринларни эгаллашга ҳаракат қиламан.

Жорий йилда фанлар сони 10 тадан 16 гага оширилди (немис, француз тиллари, ҳуқуқ ва иқтисод фанлари қўшилди), ёзма иш, лаборатория машғулотлари, хорижий тиллар бўйича ёзма ва оғзаки мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган назорат турлари киритилди, саволлар банки яратилиб, уларнинг маҳфийлиги таъминланди, беллашувларни ташкил этиш бўйича методи тавсиялар, назорат материалларининг намуналари ишлаб чиқилиб, вазирлиқнинг интернет тармоғидаги расмий www.uzedu.uz сайтига жойлаштирилди.

Билимлар беллашувининг нуфузи мактаб ўқувчилари орасида йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу гал ўтган йилга нисбатан 690 минг нафардан зиёд ўқувчилар иштирок этди.

— 14-28 июнь кунлари Тошкент шаҳрида билимлар беллашувининг яқуний Республика босқичи бўлиб ўтмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бош мутахассиси Маъруф-жон Ваҳобов. — Унда Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган ўқувчилар иштирок этаётди. Билимлар беллашувининг хал қилувчи босқичида қатнашаётган ўқувчиларни рағбатлантириш ҳамда энг илғор тажрибаларини омалаштириш мақсадида барча ўқувчилар Тошкент вилоятидаги «Ёзи интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи»да дам олишади. Оромгоҳга билимлар беллашувиде муваффақиятли иштирок этган 50 нафар ўқувчи ҳам жалб қилинади. Мазкур оромгоҳда юртимизнинг етакчи профессор-ўқитувчилари, таниқли шоирлар, маданият ва санъат ҳодимларини жалб этган ҳолда фан кечалари, мастер-класс учрашувлари, викториналар, шеърхонлик кечалари, турли танлов ва мусобақалар ўтказилади.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Мирзо Улуғбек транспорт касб-хунар коллежи

ҚЎЙДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари.
2. Директорнинг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари.

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танлов учун керак бўладиган ҳужжатлар:
Сўровнома ва таржимаи ҳол.
Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса).
4х6 см.ўлмадаги 4 та фотосурат.
Паспорт (нусхаси).
Тавсифнома.
Меҳнат дафтарчасидан нусха.
Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Катта Дархон кўчаси, 6-й. Тел. 268-99-38.

Сергели тиббиёт коллежи томонидан 1994 йил 6 июнда Салаев Қудратбек Анварович номига берилган р/р 1442 рўйхат рақамли РТ-1 № 446643 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 42-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1998 йил 16 июнда Абдуқулов Азизжон Бозорбоевич номига берилган №387205 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкентдаги «Туркистон» санъат саройининг очик сахнасида пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига «Юлдузли оқшомлар» номли театрлаштирилган шоу-концерт намойиш этилмоқда. Ушбу концертнинг илк кун очилиш маросимида кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

«ЮЛДУЗЛИ ОҚШОМЛАР»ДА САҲНА ЮЛДУЗЛАРИ

Концерт дастурларида халқимизнинг суюкли санъаткорлари Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Раъно Ярашева, Фатхулла Маъсудов, Дилноза Исмиёминова, Юлдуз Абдуллаева, актрисалар Наргиза Абдуллаева, таниқли сўз устаси Валижон Шамсиев, хушовоз эстрада ҳонандалари Шаҳзода Муҳамедова, Ҳилола Ҳамидова, Ойбек ва Нигора, Роҳила Рўзимова, Машхурбек Раимжонов ва «Дилкаш лаҳзалар» теле-шоусининг ҳар иккала фасл ғолиблари иштирок этмоқда. Концертларда ўзбек миллий эстрадаси вакиллари, истеъдодли санъаткорлар 22 июндан 6 июлгача 15 кун давомида очик юлдузли осмон остида ўз қўшиқлари, турли театрлаштирилган сахналар, кутилмаган томошалар, қизқарли ва кўнгилочар дастурлар орқали халқимизнинг кўнгилли маданий хордик чиқаришига ҳисса қўшиб, руҳиятига янада кўтаринки кайфият бағишлашади.

Аввало бу концерт халқимизнинг энг муқаддас ва кутлуг айёми — Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги тантаналари олдида бир тўёна сифатида тақдим этилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев. — Мазкур концертни ташкил этишдан асосий мақсад ёшларни миллий рақс ва ашулаларимизга қизиқтириш, аҳолининг кўнгилли маданий хордик чиқариши, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган юртдошларимизнинг мириқиб дам олишини таъминлашга қаратилган. Шоу-лойиҳанинг очик

осмон остида ўтказилиши, эпизодларнинг ранг-баранглиги ҳам дастурга ўзгача жозиба бағишлайди.

Халқимизнинг суюкли сахна юлдузлари концертда ўзларининг серкўра ижодкор эканлигини яна бир қарра намойиш қилишди. Ёдгор Саъдиев Роҳила Рўзимова билан биргаликда ўзбек халқининг миллий мақом йўналишидаги қўшиқлар ҳамда хоразмча лирик қўшиқларни ижро этди.

— Мана шундай ёзининг иссиқ кунларида «Юлдузли оқшомлар» деб номланган илиқ концерт дастурини томошабинларга тақдим қилмоқдамиз, — дейди «Нихол» мукофоти совриндори, «Дилкаш лаҳзалар» теле-шоуси ғолиби Машхурбек Раимжонов. — Бу концерт халқимизга манзур бўлади деган умиддамиз. Бошқалар қатори мен ҳам азиз муҳлислариимизга янги «Бевафо» деб номланган қўшиғимни ҳавола этмоқчиман. Шунингдек, Шаҳзодадон билан биргаликда дует ҳам ижро эта-миз.

Концертнинг илк кунда йиғилган муҳлис-ларнинг кўпчилиги, уларнинг юз-кўзларида акс этган ҳаяжон «Дилкаш лаҳзалар» теле-шоуси ташкилотчилари ҳамда иштирокчиларига бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромдан далolat бериб турди.

Лойиҳа иштирокчиларининг янги театрлаш-тирилган шоу-концерт дастури йиғилганлар-да катта таассурот қолдирди.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»



«Ёз — 2013»

«МОЙЧЕЧАК» БОЛАЛАР ОРОМГОҲИДА

Шу кунларда Яккасарой туманидаги 48-умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилган «Мойчечак» кундузги болалар оромгоҳида 130 нафар ўғил-қиз ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказмоқда.

— Оромгоҳимиздаги мавжуд етти-та гуруҳда фарзандларимизнинг бўш вақтларини эсда қоладиган тарзда ўтказишлари учун тажрибали педагог-ўқитувчилар жалб этилган, — дейди оромгоҳ раҳбари Наталья Кабанова. — Болалар учун уч маҳал иссиқ овқат ташкил қилинган. Болалар кун давомида фақат хордик чиқарибгина қолмасдан «Моҳир қўллар», «Муסיқали

калейдоскоп», шахмат-шашка, инглиз ва француз тили тўғрақлари машғул-лотларида қатнашадилар. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактаби кутубхо-наси уларнинг ихтиёрига топширил-ган.

(Ўз муҳбиримиз)
СУРАТЛАРДА: «Мойчечак» бола-лар кундузги оромгоҳи ҳаётидан лавҳалар



Муסיқа

МАҚОМ КЕЧАСИ

Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон давлат консерваторияси билан ҳамкорликда мақом кечаси ўтказилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий муסיқа санъатини равиқ топтириш, унинг бой аънава ва мактабларини асраб-авайлаш, янада бойитиш, устоз санъаткорлар фаоли-яти, ижодий меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда кўплаб жамоат ташкилотлари, жумладан, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ҳам катор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мақом кечасида мумтоз муסיқамиз, бу йўналишда ижод қилган устоз санъаткорларнинг фаолияти, ҳаёти ҳақида сўз борди. Ўзбекистон давлат консерваторияси бадийи жамоаси, Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли, санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Оловни бежиз «тилсиз ёв» дейишма-ган. Хонадонларда ва жамоат жойлари-да ёнғинга қарши барча эҳтиёт чорала-рини кўриш билан унинг хавфини ка-майитишга эришса бўлади.

Кўпинча хонадонларда иситиш учун газ колонкаларидан фойдаланилади. Бун-да колонкадаги газни ёқишдан аввал ва ёқилганидан беш дақиқа ўтгандан сўнг текшириб кўриш лозим. Хонада газ ҳидини сезсангиз дарҳол газ қурилма-сини ўчириш. Деразаларни очиб, хона-ни шамоллатинг ҳамда газ таъминоти хизматига хабар беринг.

Уйда ёнғин чиқмаслиги учун газ пли-таси ўрнатилган хонани тез-тез шамол-латиб туриш керак. Газ ёки кўмир ёқила-диган печкалар мўриси йиллига камида бир маротаба тозаланиши лозим. Печ-ка ва газ плиталарининг ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан нотўғри

Кундалик ҳаётимизни «зангори олов»сиз тасаввур этиш қийин. Табиий газ энг қулай ёқилги сифатида турмушимизда кенг қўлланилади. Ундан тўғри фойдаланиш хавфсизлигимизни таъминлайди. Акс ҳолда эътиборсизлик оқибатида чиққан ёнғин онлага, давлатга катта моддий зарар етказиши мумкин.

«101»

ҚУЛАЙ ЁҚИЛГИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

фойдаланиш ёки болаларнинг гуғурт билан ўйнашларига бепарво қараш ёнғин келтириб чиқарувчи асосий сабаблар-дан бири саналади.

Учун текканда ёниб кетадиган айрим нарсалар борки, уларни печкалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас. Ёнғин келиб

чиқишининг олдини олиб, ана шу офат келтирувчи ҳодисага қарши кураш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, газдан, электр асбобларидан тўғри ва ҳушёрлик билан фойдаланиш зарур.

Шунингдек, газ баллонлари газ плита-сидан 0,5 метр, бошқа иситиш қурилмала-

ридан эса 1 метр узоқликда бўлиши, рези-на ичкалардан фойдаланмаслик, газни узоқ вақт ёқилган ҳолда қолдирмаслик каби қоидаларга риоя этиш талаб этилади.

Д.САЛИМБАЕВ,
Миробод ТИИБ ЁХБ инспектори,
кичик сержант

бўлади. Гиёҳвандлар наркотик моддаларга нисбатан дастлаб рухий, сўнгра жисмонан боғланиб қолади-лар. Гиёҳванд моддаларини муттасил истеъмол қилиш инсон иродасини бўшаптиради, меҳнат қилиш қоби-лятини пасайтиради. Гиёҳванд моддалар таъсири-да асаб тизими ҳужайралари ҳалок бўлади, орга-низмнинг иммун ҳимоя хусусияти пасаяди, ёмон си-фатли ўсмаляр (рак) ўсиши фаоллашади. Инсоннинг умри қисқаради. Бундай инсонлар бевақт ўлимга маҳ-кумдилар. Гиёҳванд моддаларини истеъмол қилиш инсон шахсининг емирилишига олиб келади, шахс-нинг жамият билан алоқаси бузилиб, турмушда ва жамиятда ахлоқий нопоқликларга йўл беради, жино-ятларнинг ўсишига сабабчи бўлади. Гиёҳвандлар — ўта хавфли касаллик бўлган ОИТС (СПИД) касалли-гини тарқатувчи асосий манбага айланиб қолди. Ги-ёҳванд моддаларни истеъмол қилувчилар жамият учун ҳам, ўз шахси — Мен учун ҳам йўқотилган деб ҳисоб-ланади, бундайларнинг келажаги йўқ.

Гиёҳвандликка қарши кураш гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишни ман этувчи, таркибда гиёҳванд моддалари бўлган ўсимлик турларини ўстиришни та-қиқлаш, гиёҳвандларни ўз вақтида топши ишига кенг жамоатчиликни жалб қилиш, давлат чегаралари орқа-ли гиёҳванд моддаларни олиб ўтишга тўсиқ яра-тиш, гиёҳвандларни даволаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан олиб борилади.

Азизбек НИЗАМОВ,
Саломатлик ва тиббий статистика институти
Тошкент шаҳар филиали бўлим бошлиғи

26 июнь — Халқаро гиёҳвандлик моддаларини суиистеъмол қилиш ва унинг ноқонуний айланишига қарши кураш кун

ЖАМИЯТ УЧУН ЭНГ ХАВФЛИ ИЛЛАТ

Зарарли одатлар орасида инсон саломатлиги ва унинг тақдири учун ҳам, жамият учун ҳам энг хавфлиси — бу гиёҳвандликдир.

Гиёҳвандлик инсон шахсининг ва рухий ҳолатининг чуқур ўзгаришига, шунингдек, тана ички аъзолари фаолиятининг жиддий зарарланишига олиб келади. Гиёҳвандлик наркотик хусусиятга эга бўлган ва қонун билан тақиқланган кимёвий наркотик моддаларни ёки дори-дармонларни истеъмол қилиш натижасида ҳам шаклланади.

Одамларни гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш-га ундайдиган асосий ва, уларнинг бундай наркотик моддалар томонидан қақирилдиган субъектив ёқимли кечинмаларини такрорий равишда ҳис қилишга бўлган интилишидир.

Умуман олганда ҳар бир инсон ўз ҳаётидан қониқиб ҳосил қилиб, ижобий сезгилар оғушида яшашига инти-лиши тушунарли ва табиий ҳолдир. Бироқ бундай ижо-бий ҳиссиётларни сезишга эришиш, қониқиб ҳосил қилиш, ҳаётда осонликча эришиб бўлмайдиган, катта ҳажмдаги мураккаб ишларни бажариш билан боғлиқ

бўлган, ўз олдига қўйилган қийин вазифага эришиш учун тинимсиз меҳнат қилишга талаб этадиган жара-ёндир. Оқибатда ўз иродасини бошқара олмайдиган айрим кишилар ҳаётдан қониқиб ҳосил қилиш, ширин ҳаёллар оғушида ўз таналарини яйратишининг осон йўлини ахтарадилар. Бу гиёҳвандликка ружу қўйиш йўлидир.

Гиёҳвандликка олиб келувчи омиллар қаторида: ай-рим одамларга хос иродасизлик, шунингдек ўзининг нуқсонли табиати, қобилиятсизлиги туфайли одам-лар ўртасида мулоқот ўрната олмаслиги каби сал-бий таъсирлардан қутулишга интилиш сингари ҳолат-ларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ўсмирларда эса гиёҳ-ванд моддаларини истеъмол қилувчи катталарга тақ-лид қилишга мойиллик, гиёҳванд моддаларнинг «мўъжизали таъсирига» ишонувчанлик, кўпчилигининг иродасига сўзсиз бўйсуниб қабил хусусиятлари, уларнинг ушбу оғу тузоғига тушиб қолишига сабаб

Спорт янгилликлари

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Айни кунларда миллионлаб футбол муҳлисларининг нигоҳи Туркияга қаратилган.

Чунки Туркияда 20 ёшгача бўлган ёшлар терма жа-моалари ўртасида футбол бўйича навбатдаги жаҳон чем-пионати бошланди. Ўз гуруҳида Хорватия, Янги Зелан-дия, Уругвай ёшлар терма жамоалари билан куч сина-шайтган Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлигидаги Ўзбе-кистон ёшлар терма жамоаси дастлабки учрашувни ғала-ба билан бошлади. Биринчи турда Янги зеландиялик тенгқурлари билан куч синашган ёшлар терма жамоа-миз 90 дақиқа мобайнида тўлиқ устунликка эришди ва рақиблар дарвозаси олдида кўплаб хавфли вазиятларни содир этди. Аҳмаджон Мусаев шогирдлари учрашувда 3:0 ҳисобида зафар қучиб, дастлабки муҳим уч очкога эга бўлди. Футболчиларимиздан Аббосбек Махталиев, Игорь Сергеев ҳамда Дийёрбек Туроповлар голлар му-аллифлари бўлишди.

Нигина РАҲИМОВА

ЧЕМПИОН ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Йигирма кунлик танаффусдан сўн профессионал футбол лигаси жамоалари мамлакат XXII миллий чемпионати 11-тур баҳсларида ўзаро куч синашишди.

Амалдаги Ўзбекистон чемпиони «Пахтакор» ушбу тур-да сафарда Игорь Шквирин бош мураббийлигидаги «Ол-малик» жамоаси меҳмони бўлди. Қизқарли, мурасиз курашлар остида кечган баҳс мезонларнинг 1:0 ҳисо-бидаги ғалабаси билан якунланди. Ушбу мағлубиятдан сўн «Пахтакор» жамоаси муҳим уч очкодан маҳрум бўлиб, турнир жадвалида тўртинчи ўринга тушиб кетди.

Жорий йилда фақат чемпион бўлишга аҳд қилган пой-тахтимизнинг бошқа бир жамоаси «Локомотив» ҳам са-фарда «Гулистон» командаси билан куч синашди. Учра-шувда тўлиқ устунликка эришган тошкентлик футболчи-лар 5:1 ҳисобида аjoyиб ғалабани кўлга киритишди. Шу кун Фарход Тожиев рақибларни дарвозасига тўртта тўп киритди.

Тошкентда Бекободнинг «Металлург» жамоасини қабул қилган Миржалол Қосимов бош мураббийлигида «Бунёдор» жамоаси 90 дақиқа давомида рақиблари дар-возаси олдида кўплаб хавфли вазиятларни содир этди ва тўлиқ устунликка эришди. Шу кун стадионга тушган минглаб муҳлислар иккита голнинг гувоҳи бўлишди. Олег Зотеев ва Жасур Ҳасанов томонидан дарвозага киритилган голлар «Бунёдор»га ҳам муҳим очколарни туғдирди.

Турнирнинг қолган учрашувлари қуйидагича якунлан-ди: «Нефтор» — «Нефтич» — 1:0, «Навбахор» — «Шўртан» — 0:1, «Насаф» — «Динамо» — 3:2.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ СОВРИНЛАР ДАЪВОГАРИ

Эронда давом этаётган 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатида йигирмага яқин мамлакатдан 270 нафар спортчи классик шахмат бўйича совринли ўринлар учун курашмоқда.

Классик шахмат мусобақаси Халқаро шахмат федера-цияси — ФИДЕ қоидалари асосида тўққиз турдан иборат бўлади.

Осиё чемпионати доирасидаги рапид турнирида олти ёшгача ўғил болалар ўртасида бош совринни кўлга ки-ритган Исламбек Синдоров классик шахмат бўйича ҳам ғолибликни қўзламоқда. Дастлабки тўрт партияни ўз фойдасига ҳал қилган истеъдодли ҳамюртимиз бешин-чи турда вьетнамлик Тонг Хаи Анни қора донларда мағлубиятга учратиб, биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Исламбекнинг акаси Жаҳоир Синдоров эса 8 ёшга-ча ўғил болалар мусобақасида совринларга даъвогар-лик қилмоқда. Ёш спортчимиз олти учрашувдан тўртта-сида ғалаба ва биттасида дурангга эришди. Ж.Синдоров еттинчи тур учрашувини 5,5 очко билан етакчилик қила-ётган хиндистонлик Бабу Рамешга қарши ўтказди.

12 ёшгача шахматчилар ўртасида дон суратган Ўзбе-кистон чемпиони Саидқабар Сайдалиев олтинчи турда мўғулистонлик Эрдемдалай Йондонжамтсин енгиб, оч-колари сонини уч яримтага етказди.

Қизлар мусобақасида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси азёси Нилуфар Ёқубоева 14 ёшгача шахматчилар ўртасида олтин медални кўлга киритиш имконини сақлаб турибди. Мағлубиятсиз донга сурат-ган шахматчимиз олтинчи турда эронлик Мубина Алина-саб Аламдорийни қора донларда енгди ва тўрт ярим очко билан кучли учликда бормоқда.

«Умид ниҳоллари — 2012» чемпиони Моҳинур Қаҳра-монова 18 ёшгача қизлар ўртасидаги беллашувларда уч очко жамғариб, совринли ўринлар учун курашни давом эттирмоқда.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА муҳбири

ЎЗҲИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мо-ниторинг ҳисмати ма-лумотига кўра, 27 июнда

Тошкент шаҳрида 27 июнь кун вақти-вақти билан ҳаво ўзгариб, қисқа му-датли ёмғир ёғиб, момақал-дирок бўлиш эҳтимоли мав-жуд. Фарбдан секундида 5-10 метр, қунайган ҳолда 12-17 метр тезликда шамол эсади.

Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳити-да зарари моддаларининг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмади. Атмосферанинг иф-лосланиш даражаси 1-3 фюз пасайиш таъмин қилинмоқда, таъмиқдори паст бўлади.

Тошкент оқшом

Манзилми: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz



Буюртма Г- 641

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
Факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11837 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
АКМАЛ АҚРОМОВ

Босишга топширилди: 14.10